# ШАРТНОМА № 8

«27» 01 2022 йил — Шахрисабз шахар

Биз, **"Саитов Бекзод" хусусий корхонаси** номидан корхона раҳбари **Саитов Бекзод** (кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади) **"Саитов Бекзод" хусусий корхонаси** низомига асосланиб, ва Шахрисабз ШМТБ номидан раҳбар Ш Исламов (кейинги ўринларда "Буюртмачи "деб юритилади) иккинчи томондан булиб, Низомга асосланиб, ҳамда Ўзбекистан Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ушбу шартномани сут ва сут маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида туздик.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1.Ушбу шартнома асосида томонлар ўртасида «7» 01 2022 йилдан «30» 01 2022 йилгача муддатга сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида хўжалик алоқаси урнатилади.

1.2.Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг ёзма равишдаги келишувларига мувофиқ амалга оширилади.

1.3."Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан мазкур шартнома бўйича "Таъминотчи " 147 561 300 бир юз қирқ етти миллион беш юз олтмиш бир минг уч юз сўм сўмлик сут ва сут маҳсулотларини амалдаги Хўжалик қонунчилиги талаблари асосида етказиб беришни "Буюртмачи" эса етказиб берилаётган сут ва сут маҳсулотлари учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТИНИНГ ТУРИ, МИҚДОРИ, НАРХИ

2.1."Буюртмачи" томонидан буюртма қилинадиган сут ва сут маҳсулотларининг тури, сифати, миқдори ва етказиб бериш муддатлари томонлар ўртасида ўзаро келишилади ва қўйидагиларни етказиб беради. (маҳсулот етказиб бериш жадвали шартномага илова қилинади)

2.2. Ушбу шартнома бўйича «Таъминотчи» қўйидагилар билан «Буюртмачи» ни таъминлайди.

| Т/Р | МАҲСУЛОТ НОМИ | Улчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш нархи | ҚҚС | | ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставка | сумма | |
| 1 | Сут | литр | 12127 | 5900 | | | | 71549300 |
| 2 | Пишлоқ | кг | 536 | 47500 | | | | 25460000 |
| 3 | Сар ёғ 82,5% | кг | 1136 | 44500 | | | | 50552000 |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | 147 561 300 |

2.3. «Таъминотчи» «Буюртмачи» томонидан мўхр ва имзоланган маҳсулот спецификация шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 3. СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ.

3.1. «Таъминотчи" етказиб берилаётган сут ва сут маҳсулотларини сифатига кафолат беради, маҳсулот сифати ГОСТ, давлат стандартлари ва техник шартларига мос равишда, мувофиқ сертификатлари билан берилишини таъминлаши шарт.

3.2."Буюртмачи"нинг вакили сут ва сут маҳсулотларини миқдори ва сифати бўйича "Таъминотчи" нинг омборидан кўриб қабул қилиб олиш билан сут ва сут маҳсулотларини қабул қилиб олиб муддати тўгалланган ҳисобланади.

## 4. СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ.

4.1.Сут ва сут маҳсулотларининг нархи келишилган ҳолда шартномада кўрсатилган сўммаларда амалга оширилади.

4.2.Сут ва сут маҳсулотларини нархи белгиланган тартибда ўзгарганда "Буюртмачи" тўловини олдиндан қачон тўлаганидан қатъий назар "Таъминотчи" етказиб беради.

4.3."Буюртмачи" таъминлаётган сут ва сут маҳсулотларининг қийматини шартнома имзолангандан сўнг олдиндан 30 фоиз муддатгача тўлаб бериш мажбуриятини олади ва қолган 70 фоиз қийматини маҳсулот олгандан сўнг ҳисоб-фактура орқали ўтказиб беради.

4.4. "Таъминотчи" таъминлаган сут ва сут маҳсулотлари нархи белгиланган тартибда ўзгарганда "Буюртмачи"ни бир ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

## 5. СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ.

оширилади.

5.2. " Таъминотчи " дан "Буюртмачи" сут ва сут маҳсулотларини миқдори, сони ва сифати бўйича қабул қилиб олиши ва " Таъминотчи " уз транспортида санитария ҳолатига риоя қилган холда сут ва сут маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятини олади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. "Таъминотчи" сут ва сут маҳсулотларини таъминлаш муддатини кечиктирса ёки тулиқ етказиб бермаса "Буюртмачи"га хар бир кечиктирган кун учун таъминланмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорига пеня тулайди, бирок пененинг суммаси таъминланмаган маҳсулот бахосининг 50 % дан ошмаслиги лозим.

6.2. "Таъминотчи" таъминлаган сут ва сут маҳсулотларни сифати ассортимент стандартлар ва техник шартларига мос келмаса ёки бут бўлмаган маҳсулот билан таъминласа томонлар ўртасида тузилган далолатнома асосида "Буюртмачи"га сифати лозим даражада бўлмаган ёки бут бўлмаган махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.3. "Буюртмачи" шартнома шартларига кура тўловни уз вақтида тўламаса "Таъминотчи"га хар бир кечиктирилган кун учун туланмаган тўлов сўммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ пеня сўммаси тўлов сўммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

## 7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШМОВЧИЛИКАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ тегишли тартибда Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича уз мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун асос ҳисобланиб 2022 йил «__31__» __12__ амал қилади.

8.2.Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

8.3.Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қуйилган ушбулар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.

8.4.Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттиради.

8.5.Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## 9. ФОРС - МАЖОР.

9.1. Хеч бир томон иккинчи томон олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

9.2. Ушбу шартнома томонлар учун бир хил кучга эга булиб, 3 (уч) нусхада тузилди.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

| ТАЪМИНОТЧИ | ИСТЕЪМОЛЧИ |
|---|---|
| «Саитов Бекзод» хусусий корхонаси | Номи Шаҳрисабз ШИШ |
| Манзил: Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси № 50 уй. | Манзил: Ипак йўли 103 |
| Тел/ факс: 0 (375) 522-86-05 | Тел/факс: 97 567 -18-00 |
| х/р: 20208000304772920001 | х/р: 100022860104050709410025101031 |
| Банк номи: АИКБ Ипак Йўли банк | Банк номи Марказий банк Тошкент |
| МФО: 01048 ИНН: 301153196 | Бюджетдан маблаг олувчи ИНН: 305159066 |
| ИФУД: 10510 | ОКЭД: 92400 МФО: 92400 |
| ҚҚС 310020020011 | |
| | Молия Вазирлиги Газначилиги |
| | Газнах/р: 23402000300100001010 |
| | МФО: 00014 Газна ИНН: 201122919 |
| Рахбар _________ Б.Саитов | Рахбар: Исламов |
| | М.У. имзо |

Ҳуқуқшунос хулосаси: Ушбу 202_ йил «____» ____ даги №____-сонли «Саитов Бекзод» хусусий корхонаси билан ______________________ ўртасида тузилган шартномани ҳуқуқий таҳлил қилиб чиқдим. Шартнома Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 28 августдаги 670-1 сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига жавоб беради ва тўғри тузилган.

**Хукукшунос______________ М.А.Мустафаев лицензия KS- 000080 28.12.2018 йил берилган.**

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: ME5234144703

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№

1. Loyihaning turi: mahsulot etkazib berish shartnomasi.

2. Loyihaning nomi: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo`limi bilan «Saitov Bekzod» xususiy korxonasi o`rtasida mahsulot etkazib berish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHahrisabz shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 27 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti: A.T.Do'stov
2022 yil 27 yanvar

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
SHAHRISABZ TUMANI
«SAITOV BEKZOD»
XUSUSIY KORXONASI
8 сон
7 01 2022 у.
181300, SHAHRISABZ SHAHRI
BERUNIY KO'CHASI 50 UY

# ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

«Саитов Бекзод» хусусий корхонаси Сизга ёзиб маьлум киламизки бизнинг корхонамизда хозирги кунда куйидаги сут ва сут махсулотлари мавжуд.

| т\р | Махсулотлар номи | Улчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Сут | литр | 5900 |
| 2 | Пишлоқ 45% | кг | 47500 |
| 3 | Сар ёғ 82,5% | кг | 44500 |
| 4 | | | |
| 5 | | | |
| 6 | | | |
| 7 | | | |

________________________________________ заруриятингиз туфайли керакли сут ва сут махсулотлари харид килишингиз мумкин.

UZB. RESP. QASHQADARYO VIL. SHAHRISABZ TUM. «SAITOV BEKZOD» XUSUSIY KORXONASI
«SAITOV BEKZOD» XUSUSIY KORXONASI

«Саитов Бекзод» хусусий корхонаси рахбари___________________________ Б. Саитов